

Бақара сураси, 15-оят

05:24 / 07.07.2017 3961

Аллоҳ уларни истеҳзо қиладир ва туғёнларида тентираган ҳолларида қўйиб берадир. *Бақара 15*

Аслида истеҳзо, макр-ҳийла каби ишларни Аллоҳга нисбат бериб бўлмайди. Булар бандаларнинг сифатлари, уларнинг ишлари. Бинобарин, оятдаги «**истеҳзо қиладир**» иборасини «истеҳзоларининг жазосини беради», деб тушуниш лозим.

Улар шунча гуноҳларни қилсалар ҳам, Аллоҳ таоло уларни тек қўйиб қўяди, балки ҳар қанча гуноҳ қилсалар ҳам, уларга берадиган неъматини зиёда қилиб қўяверади. Улар эса туғёнларида давом этадилар. Натижада аламли азобга дучор бўлишлари учун далил ва ҳужжат кўпаяди. Охири бориб, икки дунё бадбахтлигига учрайдилар.